

ҚАСДДАН ОДАМ ЎЛДИРИШ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ВИКТИМОЛОГИК  
ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

Қахрамонов Ислом Музаффар ўғли  
ИИВ Академияси 3-босқич курсанти

**Аннотация:** Ушбу мақолада тадқиқот мавзусининг долзарбилиги, профилатика инспекторининг қасдан одам ўлдириш жиноятларнинг виктимологик профилактикасига доир фаолияти тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари бундан ташкари профилактика инспекторининг қасдан одам ўлдириш жиноятларнинг виктимологик профилактикасига доир фаолиятигининг ташкилий-хуқуқий асослари, ушбу фаолиятни ташкил этиши тартиби, шунингдек, қасдан одам ўлдириш жиноятларнинг виктимологик профилактикасига доир фаолиятининг хуқуқий асослари, профилактика инспекторининг қасдан одам ўлдириш жиноятларнинг виктимологик профилактикаси фаолияти бўйича хорижий давлатлар тажрибаси хамда қасдан одам ўлдириш жиноятларнинг виктимологик профилактикаси фаолиятини такомиллаштириш йўналишлари, шунингдек, юкорида келтириб ўтилган жиҳатларидан фойдаланган холда ушбу фаолиятни такомилаштириш йўналишлари ёритиб ўтилди.

Одам ўлдириш – қасдан, хуқуққа хилоф равишда ёки эҳтиётсизлик орқасида бошқа кишини ҳаётдан маҳрум қилишдир.

Одам ўлдиришнинг объекти бошқа кишининг ҳаёти ҳисобланади.

Ёшидан, унинг соғлиғи ёки яшаш қобилиятидан қатъи назар ҳар қандай кишининг ҳаёти жиноят қонуни билан қўриқланади. Шу сабабли чақалоқ, кекса, соғлом ёки касал одамни ҳаётдан маҳрум қилишга қаратилган ҳар қандай ҳаракат одам ўлдириш, деб тан олинади.

Кейинги вақтларда юридик адабиётларда эвтаназия, яъни шахс-ни ўзининг розилиги билан ҳаётидан маҳрум этганлик учун жавобгарлик масаласи бўйича мунозаралар авж олмоқда.

Эвтаназияни маъқулловчи ва уни қораловчилар бўлишига қарамасдан, уни қонунийлаштиришдан қочмок зарур, чунки инсонга ҳаёт худо томонидан ато этилади, уни қайтиб олишга фақатгина унинг ўзи ҳақлидир, деган фикрлар ҳам мавжуддир<sup>106</sup>.

Бундан ташқари, доришунослик ютуқларидан фойдаланиб, аста-секин инсон ҳаётига чек қўядиган воситалар яратилишидан ҳам умид қилинмоқда.

Аммо, инсон табиати, унинг аъзолари фаолияти ҳали шифокорлар томонидан тўлиқ ўрганилмаганлигини эътироф этиш лозим. Баъзан

<sup>106</sup> Рустамбаев М.Х., Якубов А.С. Концепция законодательства Республики Узбекистан о преступлениях и наказаниях, ВШМ МВД РУз. 1994.

тузалишига ҳеч қандай умид бўлмаган касал соғаяди ва тўла ҳаётий фаолиятни давом эттиради. Сунъий ҳомила тушириш билан боғлиқ жиноятни тўғри квалификация қилиш учун инсон ҳаётининг бошланишини чуқур ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Ҳақиқатан ҳам бу саволга жавоб топиш мураккаб вазифадир.

Шу боис, қайси вақтдан бошлаб бола ушбу жиноятнинг объекти бўлади? Туғилган вақтиданми ёки она қорнида ҳомила пайдо бўлган вақтидами? деган савол туғилади. Сўз унинг шахс сифатида тан олиниши ва жиноят қонунида жавобгарлик белгиланган жиноятнинг объекти бўлиши мумкинлиги ҳақида бормоқда<sup>107</sup>.

Юридик адабиётларда бу борада қарама-қарши қарашлар бор. Айрим муаллифлар инсон ҳаётининг бошланиш пайти деб гўдакнинг нафас ола бошлаши ёки боланинг она қорнидан тўлиқ ажралиб чиқиш вақтини ҳисоблайдилар.

Бошқалар эса ҳомиланинг етарли даражада ривожланиб, она қорнида ҳомила тарзида ҳаёт учун барча зарурий сифатларга эга бўлганлигини тасдиқловчи жисмоний тўлғоқнинг бошланиши билан белгилайдилар.

Бизнингча, бу қарашлар унчалик тўғри эмас, чунки жисмоний тўлғоқнинг бошланиши, туғиши жараёнининг бошланишидир. Бу вақтда ҳомилага зарап етказишни ҳомиладор аёлнинг соғлиғига зарап етказиш, деб қарамоқ керак ва бу қилмиш Жиноят кодексидаги шахснинг соғлиғига қарши жинояtlар учун жавобгарликни кўзда тутувчи бобининг тегишли моддаси билан квалификация қилиниши керак.

Ҳаётнинг бошланиши, чақалоқ танасининг бирор қисми она қорнидан ташқарида пайдо бўлиши билан боғлиқ, деб ҳисоблаган муаллифларнинг фикри анча тўғридир. Айнан шу вақтдан бошлаб бола атрофдагилар томонидан ҳомила эмас, балки инсон, шахс сифатида қабул қилинади.

Шу муносабат билан, чақалоқ танасининг бирор қисми тўлғоқ жараёнида она қорнидан ташқарида пайдо бўлган вақтни ҳаётнинг бошланиши, деб ҳисоблаш маъқулдир.

Бу муаммо бўйича фикрларнинг хилма-хиллиги, уларнинг баҳсли эканлиги, жисмоний ва тиббий мезонларга асосланган ҳолда ҳаёт бошланишининг объектив белгиларини аниқлашга қаратилгандир. Лекин бундай белгиларни аниқлаш мумкин эмас. Ҳаёт тўхтовсиз жараёндир. Ҳомиланинг пайдо бўлиши ва секин-аста ривожланиб, чақалоқ туғилиши билан унинг кўриниши, шакли ўзгаради, холос. Шунинг учун суд-тиббиёт экспертизасининг хulosаси ҳаётнинг бошланиши ҳақидаги масалани ҳал қила олмайди ва бундай бўлиши ҳам керак эмас. Суд-тиббиёт экспертизаси фақатгина тажовуз вақтида ҳомила тирик бўлган ёки бўлмаганлигини

<sup>107</sup> Рустамбаев М.Х., Якубов А.С. Концепция законодательства Республики Узбекистан о преступлениях и наказаниях, ВШМ МВД РУз. 1994.

аниқлаши зарур.

Она танасидан чақалоқнинг бирор аъзоси чиқаётган вақтида унинг соғлигига врач, акушернинг эҳтиётсизлиги натижасида шикаст етказилса, у Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 102-моддасига биноан эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдирганлик учун жиноий жавобгарликка тортилади<sup>108</sup>.

Ҳомиладор аёлнинг розилиги билан ҳомила тўла шаклланмай туриб, унинг сунъий равишда туширилиши одам ўлдириш, деб ҳисобланмаслиги керак. Бундай қилмиш Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 114-моддасига асосан ҳомиладорлик муддатидан қатъи назар, жиноий равишда ҳомилани тушириш, деб квалификация қилиниши лозим.

Жиноят ҳуқуқи назариясида, шунингдек, тиббиётда ҳам, миянинг тузалмас ҳалокати, яъни жисмоний ўлим мининг юзага келиш билан ифодаланувчи биологик ўлим тан олинади.

Клиник ўлимнинг юзага келиши (юракнинг тўхташи) бу ҳали, инсоннинг ўлими ҳақида ҳеч нарсани билдирамайди, чунки тиббиёт ходимлари замонавий шароитларда юракнинг ишлаш фаолиятини қайта тиклаш имкониятига эга. Ўлган одамни тирик деб, унинг ҳаётига тажовуз қилиш, ўлдиришга суиқасд сифатида баҳоланиши керак. Одам ўлдириш жинояти моддий таркибли бўлиб, уни тугалланган деб топиш учун жабрланувчининг ўлими сифатидаги оқибат рўй берган бўлиши лозим (фақат истисно тариқасида Жиноят кодекси 103-моддасида ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилиш даражасига етказиш тугалланган қилмиш сифатида белгиланган). Бундай оқибатнинг рўй бермаганлиги одам ўлдиришни тугалланмаган (одам ўлдиришга тайёргарлик ёки унга суиқасд) деб, Жиноят кодекси 25-моддасининг тегишли қисми бўйича жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Қасддан одам ўлдириш жинояtlар виктимологик профилактикасини ташкил этишда, жинояtlарнинг сабаб ва шароитларини бартараф этиш чоратадбирлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг мавжуд турлари, усул ва шакллари доирасида ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонун қабул қилинишига қадар юридик адабиётлар ва манбаларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг турлари ҳақида турлича қараш ва фикрлар илгари сурилиб, аниқ бир тўхтам мавжуд эмас эди. Қонуннинг қабул қилиниши бевосита ушбу қарама-қаршиликларга барҳам берди ва 6-моддасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг қуйидаги тўрт тури:

- ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси;
- ҳуқуқбузарликларнинг маҳсус профилактикаси;

<sup>108</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Т.: Адолат, 2020.

- хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси;
- хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси аниқ белгилаб қўйилди.

Шунингдек, Қонуннинг 3-бобларида хуқуқбузарликлар профилактикаси турларининг тушунчаси ҳамда уларнинг ўз ичига қамраб олган чоратадбирлари ва уларни амалга ошириш асослари ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди<sup>109</sup>.

Юқорида келтирилган хуқуқбузарликлар профилактикаси турларининг ҳар бири ўзига хос жиҳатларга эга бўлиб, муайян бир турини амалга ошириш орқали эришиш мумкин бўлган натижаларга бошқасини амалга ошириб эришиш мушкул ҳисобланади. Хуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси ҳам бундан мустасно эмас.

*Хуқуқбузарликларнинг умумий тартибдаги профилактикаси* – хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг хуқуқбузарликларнинг олдини олиш, хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бероётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш бўйича фаолият (Қонуннинг 22-моддаси).

Хуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси тасдиқланган дастур, режа ва жадваллар асосида, шунингдек соҳавий хизматларнинг ҳамда хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи бошқа орган ва муассасалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ўзаро келишуви асосида амалга оширилиши мумкин.

«Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонун талабларига кўра хуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси чора-тадбирлари қўйидагиларни ўз ичига олади:

- хуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;
- аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғибот ўтказиш;
- хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бероётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бероётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритиш.

<sup>109</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 май куни қабул қилинган «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

Мусаев М.А. Ҳаётга қарши жиноятлар: назария ва амалий муаммолари. – Т., 2011. – Б. 66. ва бошқ.

Хуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олиши мумкин (Қонуннинг 23-моддаси).

*Хуқуқбузарликлар профилактиkasига доир давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиши ҳамда амалга ошириш.* Хуқуқбузарликлар профилактикасиға доир давлат дастурлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилиб тасдиқланади ва ижрога йўналтирилади. Хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг давлат дастурларини ишлаб чиқиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф ва тавсиялар киритиш ваколатига эга.

Айни пайтда, бир қатор давлат дастурлари қабул қилиниб, ижрога йўналтирилган. Ушбу дастурларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасиға доир чора-тадбирлар белгиланишига қарамасдан, уларни ҳуқуқбузарликлар профилактикасиға доир давлат дастури деб эътироф этиб бўлмайди. Чунки дастурни қабул қилишдан кўзланган мақсад ва вазифалар айнан ҳуқуқбузарликлар профилактикасиға йўналтирилган бўлишни тақозо этади. Аммо мантиқан олганда ҳар қандай давлат дастуридан ўрин олган профилактик чора-тадбирлар ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси мазмунига эгалигини истисно этмайди.

Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль фармони билан тасдиқланган «2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини<sup>110</sup> «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури»нинг 104-бандидаги «Фаолиятни иш якунларининг комплекс таҳлили асосида режалаштириш ва ташкил этиш, бунда эътиборни, аввало, ҳуқуқни кўллаш амалиёти ва амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш орқали тизимли ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратиш» ҳамда 292-бандидаги «Нотинч оиласалар фарзандлари, уюшмаган ёшлар, иш билан банд бўлмаган, «оммавий маданият» таъсирига тушиб қолган йигит-қизларнинг хатти-ҳаракатларини назоратга олишда уларнинг ота-оналарининг масъулиятини ошириш, кашандалик, алкоголли ичимликлар истеъмол қилиш ва бошқа иллатлар профилактикасиға оид тадбирлар, семинарлар ўтказиш, буклет, плакат, қўргазмали қўлланмалар чоп

<sup>110</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сони фармони // URL: <http://www.lex.uz>

Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг “Қасддан одам ўлдиришга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида “ги 2004-йил 24-сентябрь13-сонли қарори

этиш, кўрсатув ва эшилтиришлар ташкил қилиш» бевосита хуқуқбузарликлар профилактикасига доир чора-тадбирлар ҳисобланади.

Хуқуқбузарликлар профилактикасига доир идоралараро дастурларга эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2833-сонли қарори билан фаолияти тартибга солинган хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш, вояга етмаганлар ишлари, одам савдосига қарши курашиш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиялар томонидан ишлаб чиқиладиган, тасдиқланадиган ва ижрога йўналтириладиган комплекс дастурларни мисол тариқасида келтириб ўтиш мумкин<sup>111</sup>.

Аҳоли ўртасидаги хуқуқий тарғибот. Маълумки, мамлакатимизда мустақиллик даврида хуқуқий тарғибот масаласига ҳукумат даражасида жиддий эътибор қаратилиб келинмоқда.

Хуқуқий тарғибот умумий тарғиботнинг бир йўналиши бўлиб, унда асосан аҳолининг хуқуқ ва мажбуриятлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ масалаларнинг мазмун ва моҳиятини аҳолига етказиш, шу асосда фуқароларнинг хуқуқий онги ва маданиятини ошириш мақсад қилиб қўйилади.

Сўнгги пайтларда хуқуқий адабиётларда «хуқуқий тарғибот» билан бирга, «қонунчилик тарғиботи» тушунчasi ҳам қўлланилмоқда. Шу ўринда, ушбу икки тушунча ўртасидаги ўзаро фарқли томонларга қисқача тўхталиш мақсадга мувофиқ.

«Хуқуқий тарғибот» тушунчasi «қонунчилик тарғиботи»га нисбатан кенгроқ тушунча бўлиб, кенг қамровли ижтимоий-хуқуқий муносабатлар доирасидаги масалаларни тарғиб қилишни назарда тутади. Масалан, «хуқуқий тарғибот»да муайян турдаги хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берадиган шарт-шароитлар, уларни содир этишнинг усул, шакл ва воситалари, виктимлик ҳолатлари, улардан ҳимояланиш чора-тадбирлари билан боғлиқ масалаларга урғу берилса, «қонунчилик тарғиботи» фақат қабул қилинган қонунлар ва қонуности ҳужжатларининг мазмуни ва моҳиятини ёритишга қаратилади. Эътиборли томони шундаки, хуқуқий тарғибот қонунчилик тарғиботини ўз ичига қамраб олса-да, бироқ ҳар қандай хуқуқий тарғибот қонунчилик тарғиботи ҳисобланмайди<sup>112</sup>.

Қонунчилик тарғиботи ҳақида сўз юритилганида бир масалага алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади, яъни қонунчилик тарғиботи деганда, янги

<sup>111</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2833-сонли қарори // URL: <http://www.lex.uz>.

<sup>112</sup> Хўжақулов С.Б. Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти: Ўқув қўлланма / Масъул мұҳаррир проф. И. Исмаилов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – 148 б.

қабул қилинган қонунни ёки бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатни фақат маълумот тариқасида етказилишини тушунмаслик керак, балки унинг мазмун-моҳиятини аҳолига тўла-тўқис тушунтириб бериш назарда тутилади.

Хуқуқий тарғибот асосан қуйидаги уч йўналишда амалга оширилади:

*Биринчи йўналишда* амалга ошириладиган хуқуқий тарғибот ишларига ижтимоий-хуқуқий муносабатлар, уларнинг белгиланган шартлари, тартиби, қонун ва қонуности ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятига бағишилаб аҳоли ўртасида маъруза, радиоэшиттиришлар қилиш, викторина, давра сұхбати, семинар-тренинг, учрашувлар ўтказиш кабиларни киритиш мумкин.

*Иккинчи йўналишда* ижтимоий-хуқуқий муносабатлар, уларнинг белгиланган шартлари, тартиби, қонун ва қонуности ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятига бағишилаб мақолалар, китоб ва қўлланмалар (шу жумладан, электрон шаклда) ёзилади ва чоп этилади, шунингдек аҳолининг муайян қатламига мўлжалланган буклетлар тайёрланиб, тарқатиш каби хуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилади.

Учинчи *йўналиш*, асосан, хуқуқий тарғибот аҳоли гавжум жойларда хуқуқбузарликлар профилактикасига доир плакатлар, эълонлар жойлаштириш, видео роликлар намойиш қилиш, кинофильмларнинг муайян эпизодларини акс эттириш, телевидениеда «Бир жиноят изидан», «Жиноят ва жазо» каби қўрсатувларни эфирга узатиш, плакатлар, кўргазмали эълонлар тайёрлаб, аҳоли кўп тўпланадиган ва гавжум бўлган жойларда, ички ишлар органларининг маъмурий бино (ТП)ларида осиш кабилар орқали олиб борилади.

Хуқуқий тарғиботни амалга оширишда бир қатор талаблар мавжуд.

Профилактика инспекторлари хуқуқий тарғибот ишларида ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматларини жалб этишлари ҳам мумкин<sup>113</sup>.

*Жиноятларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиши ҳамда жиноятларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни бартараф этиши тўғрисида тақдимномалар киритиш қасдан одам ўлдириш жиноятлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар муайян шахсада ғайриижтимоий хулқ-атворнинг шаклланишига ёки муайян жиноятларнинг содир этилишига, шунингдек бир гуруҳ шахсларда ғайриижтимоий хулқ-атворнинг шаклланишига ёки алоҳида турдаги жиноятларнинг содир этилишига туртки берган сабабларни ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлайдилар, уларни бартараф этиш юзасидан вазирликлар, қўмиталар, корхона, муассаса, ташкилот ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига тақдимномалар киритиб борадилар.*

Афсуски, амалдаги қонун ҳужжатларида хуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт-

<sup>113</sup> Хўжақулов С.Б. Ички ишлар органларининг хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти // Ўқув қўлланма. – Т., 2017. – Б. 26–35.

шароитларни бартараф этиш чорасини назарда тутувчи қонун нормаси фақатгина амалдаги Жиноят-процессуал кодекси (6-бўлим) ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларда (196, 313-моддалар) ўз ифодасини топган.

Ўзга шахснинг қасдан ўлдирилишига сабаб бўлиш одам ўлдириш деб эътироф этилади. Содир этилган жиноятнинг барча ҳолатларини синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириш лозимлиги тўғрисидаги қонун ҳисобланиб, уларга ҳар қандай ишни, талабларига қатъий риоя этиш шарт айниқса, қасдан одам ўлдиришга оид ишларни кўриб чиқишида қатъий амал қилиш лозим бўлади, чунки қонун айбни оғирлаштирувчи ҳолатларда бу жиноятни содир этган айборга нисбатан ўлим жазосини қўллашни назарда тутади.

Ишнинг тўғри ҳал этилиши учун муҳим ҳисобланса-да, бироқ олиб борилган тергов бир ёқлама ва тўлиқ бўлмаганлиги натижасида одам ўлдириш жиноятининг барча ҳолатлари аниқланмаган тақдирда, шунингдек, бу камчиликни суд мажлисида бартараф этишнинг иложи бўлмаган ҳолларда иш қўшимча терговга қайтарилиши керак. Қасдан одам ўлдириш жиноятининг обьекти ўзга шахснинг ҳаёти ҳисобланади. Қонун ҳар қандай шахснинг ҳаётини, унинг ёши, жисмоний ҳолатидан қатъи назар, бир хилда ҳимоя этади. Шунинг учун ёшни ҳам, кексани ҳам, соғни ҳам, bemorни ҳам ҳаётдан ҳуқуққа хилоф равишда маҳрум этиш одам ўлдириш деб эътироф этилади. Ўзбекистон Республикасида эвтаназия тақиқланади.

Инсон ҳаётининг бошланиши она қорнидан гўдак тана аъзосининг бир қисми чиқиши билан бошланади.

Она қорнида ҳомиланинг нобуд қилиниши қасдан одам ўлдириш жиноятини таркибини ташкил этмайди. Содир этилган жиноят, иш ҳолатларидан келиб чиқиб, жиноий равишида ҳомила- тушириш (ЖКнинг 114моддаси) ёки қасдан баданга оғир шикаст етказиш (ЖКнинг 104-моддаси) жинояти таркибини ташкил этади.

Қасдан одам ўлдириш жиноятининг обьектив томони ўзга шахсни ҳуқуққа хилоф равишида ҳаётдан маҳрум қилишдан иборат бўлади. Одам ўлдириш ҳаракат билан ҳам, ҳаракатсизлик орқали ҳам содир этилиши мумкин. Одам ўлдириш усули жиноятни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди.

Одам ўлдириш – моддий таркибли жиноятдир. У инсон организмида қайта тикланмайдиган ўзгаришлар, яъни биологик ўлим бошланган пайтдан эътиборан тугалланган ҳисобланади.

Қасдан одам ўлдириш жинояти обьектив томонининг зарурӣ белгиси айборнинг содир этган қилмиши (ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги) билан жабрланувчининг келиб чиқсан ўлими ўртасида сабабий боғланиш мавжудлиги ҳисобланади.

Содир этилган қилмиш билан ўлим ўртасида сабабий боғланишнинг йўқлиги қасдан одам ўлдирганлик учун жиноий жавобгарликни бутунлай истисно этади, бу ҳол ҳаракатни бошқа модда билан квалификация қилинишига сабаб бўлиши мумкин, бунга жабрланувчи соғлиғига етказилган тегишли зарарнинг оғирлик даражаси мисол бўла олади.

Қасдан одам ўлдиришга суиқасд қилиш фақат тўғри қасд билан содир этилиши мумкин. Яъни: бунда айбдор ўз қилмиши-нинг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган, жабрланувчининг ўлимига қўзи етган ва уни ўлдиришни истаган бўлади, бироқ ўлим айбдорнинг иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга қўра (жабрланувчининг фаол қаршилиги, бошқа шахсларнинг аралашуви, жабрланувчига ўз вақтида тиббий ёрдам қўрсатганлик ва ҳоказо вазиятлар туфайли) келиб чиқмайди. Шу сабабли айбдор-нинг жабрланувчини ҳаётдан маҳрум этиш ниятида ҳаракат қил-ган-қилмаганлигини; ўлим юз беришини истаган-истамаганлиги-ни ва қандай ҳолатлар исталган натижа юз беришига тўсқинлик қилганлигини аниқлаш зарур. Одам ўлдириш жиноятини содир этувчи ҳаракатлар муқаррар равишда ҳуқуққа хилоф бўлиши лозим. Зарурий мудофаа (ЖК 37-моддаси) ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш (ЖК 39-моддаси), охирги зарурат (ЖК 38моддаси), буйруқ ёки бошқа вазифани ижро этиш (ЖК 40-моддаси) пайтида қонун шартлари доирасида ўзга шахсни ҳаётдан маҳрум этиш жиноят ҳисобланмайди.

Қасдан одам ўлдириш жиноятининг субъектив томони айбнинг қасд шакли билан тавсифланади. Қасдан одам ўлдириш жинояти ҳам тўғри, ҳам эгри қасд билан содир этилиши мумкин. Қасдан одам ўлдириш жиноятини содир этаётганда айбдор жабрланувчини ҳаётдан маҳрум этиш қасди билан ҳаракат қиласи, қилмишнинг ижтимоий хавфли оқибатларига қўзи этади, ўлим юз беришини истайди (тўғри қасд) ёки бунга онгли равишда йўл қўйиб беради .Судлар қасдан одам ўлдириш билан қасдан баданга оғир шикаст етказиш жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган (ЖК 104-моддаси 3-қисмининг “д” банди) ҳолатларни фарқлаши лозим. Улар ўртасидаги чегара айбланувчи қасдининг йўналиши, ўзининг ҳаракатлари оқибатига субъектив муносабати билан жабрланувчининг ўлими асосида ўтказилиши лозим.

Айбдор қасдан одам ўлдиришда ўлимнинг келиб чиқишига тўғри қасд билан ҳаракат қиласи, қасдан баданга оғир шикаст етказиш натижасида жабрланувчининг ўлими келиб чиққанда эса, ўлимга нисбатан айб эҳтиётсизлик шаклида намоён бўлади.

Айбдорнинг қасди нимага қаратилганлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда қилмишнинг барча ҳолатлари мажмуидан келиб чиқилиши, хусусан, жиноятни содир этиш усули ва қуроли, тан жароҳатлари сони, хусусияти ва ўрни (масалан, одам ҳаёти учун муҳим аъзоларнинг жароҳатланганлиги),

Бироқ, «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонун талаблари хуқуқбузарлик ва жиноятларга қарши курашувчи, унинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаб, бартараф этилишини таъминловчи хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ҳам ўз фаолияти жараёнида аниқланган хуқуқбузарликка оид статистик ҳамда бошқа маълумотлар таҳлилига асосланиб, муайян вазирлик ёки қўмита ва унинг қўйи тузилмалари даражасида хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритишлари мумкинлигини тақозо этади. Масалан, Республика Баш прокурори ИИВга, вилоят прокурорлари вилоят ИИБга тақдимнома киритиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ушбу мазмундаги тақдимномаларни қўйидагича гурухлаш мумкин:

- прокурор томонидан киритиладиган тақдимномалар;
- хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи бошқа субъектлар томонидан киритиладиган тақдимномалар;
- хуқуқбузарлик ишини юритувчи мансабдор шахслар томонидан киритиладиган тақдимномалар.

Юқорида келтириб ўтилганларга асослансак, хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар томонидан ғайриижтимоий хулқ-атворга эга, жиноят содир этишга мойил бўлган ва ҳжиноят содир этган шахсларнинг ҳисобини юритиш, тарбиявий таъсир кўрсатиш орқали уларни ахлоқан тузатиш, уларда ижтимоий ҳаётга мос хулқ-атвор ва турмуш тарзини шакллантириш ҳамда назорат қилиш мақсадида амалга оширилади.

Биз «Адолат — конун устуворлигига» деган тамойил асосида жамиятилизда конунга хурмат, хукукбузарлик холатларига муросасизлик хиссини кучайтиришга каратилган ишларимизни жадал давом эттирамиз. Бу борада хукукбузарлик холатларининг олдини олишга алоҳида эътибор каратилади. Бунинг учун аввало маҳалла имкониятларидан кенг фойдаланиш, профилактика инспекторларининг иш самараси ва масъулиятини ошириш, улар учун муносиб хизмат ва турмуш шароитини яратиб бериш чораларини кўришимиз даркор. »<sup>114</sup>.

Бугунги кунда қасддан одам ўлдириш жиноятларга қарши курашиш фаолиятида ахборот-коммуникация технологиялари кенг татбиқ қилинмоқда. Жумладан, Тошкентда “хавфсиз шаҳар”, Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шахрисабз шаҳарларида “хавфсиз туризм”, Паркент туманида “хавфсиз дам олиш” концептуал лойиҳалари жорий этилмоқда. Мамлакатимизда савдо-сотик,

<sup>114</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – Юрт тараққиёти ва халқ фаравонлигини гарови” // ТОШКЕНТ «ЎЗБЕКИСТОН»-2018 .

маданий ҳордиқ чиқариш ва бошқа жамоат жойлари, таълим муассасаларида жами 177 мингдан ортиқ видеокузатув мосламалари ўрнатилиши натижасида кўплаб оғир ва ўта оғир жиноятларни фош этишга эришилди. Маълумки, ҳар бир маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш, бу борада бефарқлик, лоқайдлик ҳолатларига барҳам бериш жамиятда тинч ва осойишта ҳаётни таъминлашнинг асосий шартларидан биридир. Бу борада ҳар бир фуқаро онгидা “Менинг маҳалламда жиноят содир бўлмаслиги керак” деган туйғуни шакллантириш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Давлатимиз раҳбари томонидан ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда, туманлар кесимида жиноятларнинг олдини олиш борасида алоҳида чора-тадбирларни ўз ичига олган “Йўл ҳаритаси”ни ишлаб чиқиш юзасидан амалий ишлар олиб борилмоқда.

“Жиноий-хуқуқий статистика тизимини тубдан такомиллаштириш ва жиноятларни тизимли таҳлил қилиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Президент Фармонига мувофиқ, 2018 йил 1 декабрдан жиноятлар, уларни содир этган шахслар ва жиноят ишларининг ягона ҳисоби Бош прокуратура томонидан юритилиши бошланди.“Электрон жиноий-хуқуқий статистика” ягона ахборот тизими жорий этилди. Мазкур тизимда электрон статистик карточкалар орқали жиноят ишлари, терговга қадар текширув материаллари, суд муҳокамалари, суд қарорлари ижроси натижалари, айбланувчи ва жабрланувчилар бўйича маълумотлар киритиб борилмоқда.Шунингдек эндиликда жиноят ишлари ҳамда терговга қадар текширув материалларига тартиб рақами Ягона ахборот тизимиға тегишли статистик маълумотлар киритилгандагина берилади. Фармон билан Бош прокуратура тузилмасида Жиноий-хуқуқий статистика бошқармаси ва Жиноятларнинг содир этилиши сабабларини тизимли таҳлил қилиш ва ўрганиш маркази ташкил этилди.Бундан ташқари, Тошкент шаҳар Шайхонтохур туманида, 2019 йил 1 февралдан Тошкент шаҳрининг бошқа туманларида жамоатчилик асосида фаолият юритадиган, жиноят содир этилишининг сабабларини тизимли таҳлил қиласиган эксперт-таҳлил гуруҳлари тажриба сифатида жорий этилди. Ички ишлар вазирлиги тузилмасида эса 2018 йил 1 декабрдан Ахборот маркази ва унинг ҳудудий бўлинмалари тугатилди. Унинг ўрнида Тезкор-маълумотлар бошқармаси ташкил этилди. Ушбу бошқарманинг ходимларига лавозим маошининг 30 фоизи миқдорида ойлик устама тўланади. Хуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш механизми хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг негизини ташкил этади.

Қасддан одам ўлдириш жиноятларнинг виктимологик профилактикасини ташкил этиш тартиби хуқуқбузарликлар профилактикасининг мавжуд турлари, усул ва шакллари доирасида ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. Бироқ, «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонун қабул қилинишига

қадар юридик адабиётлар ва манбаларда хуқуқбузарликлар профилактикасининг турлари ҳақида турлича қараш ва фикрлар илгари сурилиб, аниқ бир тўхтам мавжуд эмас эди. Қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этаётганда айбдорнинг қасди эгри қасд ҳисобланишида у жабрланувчини ҳаётдан маҳрум этиш қасди билан ҳаракат қиласи, қилмишининг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етади, бироқ, бунга онгли равишда йўл қўяди. Онгли равишда йўл қўйиш – айбдор ўзининг қилмиши натижасида жабрланувчининг ўлими келиб чиқиши мумкинлигини қабул қилишга тайёр эканлигини англатади<sup>1</sup>.

Шу билан бирга, қасддан одам ўлдириш жиноятини жабрланув-чининг ўлимига сабаб бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятидан фарқлаш лозим. Унда айбдорнинг қасди нимага қаратилганлигини, унинг ўз ҳаракатлари оқибати, яъни жабрланув-чининг ўлимига нисбатан субъектив муносабатини инобатга олиш даркор. Қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этаётганда айбдор шахсни ҳаётдан маҳрум қилиш ниятида ҳаракат қиласи, баданга оғир шикаст етказиш шахснинг ўлимига сабаб бўлган ҳолларда эса, ўлимга нисбатан унинг айби эҳтиёtsизлик шаклида ифодаланади. Шу сабабли, айбдорнинг жабрланувчини ҳаётдан маҳрум этиш ниятида ҳаракат қилган-қилмаганлигини, ўлим юз беришини истаган-истамаганлигини ва қандай ҳолатлар исталган натижа юз беришига тўсқинлик қилганлигини аниқлаш зарур.

Қасддан одам ўлдириш жиноятининг субъекти унинг (ЖК 97-м.) биринчи қисмида 14 ёш ва иккинчи қисмида 13 ёшга тўлган ҳар қандай жисмоний шахслар бўлиши мумкин.

Агар қилмишда Жиноят кодекси 97-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатиб ўтилган квалификация белгилари, шунингдек, Жиноят кодексининг 98-101-моддаларида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаса, қилмиш Жиноят кодекси 97-моддасининг биринчи қисми бўйича квалификация қилинади.

Гарчи юқорида келтирилган қонун ҳужжатларида қасддан одам ўлдириш жиноятнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларнинг аниқланиши ва бартараф этилишига доир хуқуқий тартиб белгиланган бўлсада, ушбу йўналишдаги ишларни етарлича деб баҳолаб бўлмайди. Мазкур ҳолатни бевосита Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳам ўзларининг 2017 йил 14 марта «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2833-сонли қарорида

«... хуқуқбузарликларнинг тизимили равишда содир этилишига доир сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш самарадорлиги мавжуд эмаслиги кутилаётган натижаларни бермаяпти» мазмунидаги танқидий фикрни билдириб ўтди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ички ишлар органларининг профилактик фаолиятини бошқариш: Дарслик / Б.А. Матлюбов, Ў.Х. Мухамедов, А.С.Турсунов, З.А.Амиров, Б.Ф.Алимов. Масъул муҳаррир Б.А. Матлюбов – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – 295 б.
2. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси: Дарслик./Б.А.Матлюбов, А.С.Турсунов, С.Б.Хўжақулов ва бошқ.-Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2020.-294 б.
3. Ички ишлар органлари профилактик фаолияти: Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти мутахассислиги учун: Маъruzалар курси / А.С. Турсунов, И. Исмаилов, И.Ю. Фозилов, Б.Ф. Алимов, З.А. Амиров, С.Б. Хўжақулов, Қ.А. Саитқулов, Ш.Р. Фофуров; Масъул муҳаррир Б. А. Матлюбов – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – 489 б.
4. Профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш фаолияти: Маъruzалар курси / А.С. Турсунов, Қ.А. Саитқулов ва бошқ.. Масъул муҳаррир Б.А. Матлюбов.– Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – 125 б.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунига илмий-амалий шарҳ: Қонунга илмий-амалий шарҳ / Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир Б.А. Матлюбов. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. Б. 158.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунига илмий-амалий шарҳ / Б.А. Матлюбовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. –133 б.
7. А.С.Турсунов, Ш.А.Фаниев, А.Ш.Муродов, С.Қ.Валиев, А.Д.Эрназаров, А.Ҳ.Муҳиддинов. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда жамоат тартибига тажовуз қиласидаган айrim турдаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича расмийлаштириладиган маъмурий процесдуал хужжатлар намуналари: Ўқув-услубий қўлланма / Масъул муҳаррир: Б.А.Матлюбов. – Т., Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. □ 145 б.
8. А.С.Турсунов, Ш.А.Фаниев, Ф.А.Примов, Х.Д.Сарабеков Х.Э. Ахмедов, Ж.Т.Рўзиев. Профилактика инспекторлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқища расмийлаштириладиган процесдуал хужжатлар намуналари: Ўқув-услубий қўлланма / Масъул муҳаррир: Б.А.Матлюбов. – Т., Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. 99 б.

**JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH  
VOLUME6 ISSUE-5 (30-May)**

---

9. А.С. Турсунов, Б.Ф. Алимов, Қ.А. Сайтқұлов. Ички ишлар органларида юритиладиган профилактик ҳисоб ҳужжатлари намуналари түплами: Үқув-услубий қўлланма. – Т.:Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. 64 б.

10. Профилактика инспекторлари томонидан алоҳида тоифадаги шахслар бўйича расмийлаштириладиган ҳужжатлар намуналари. Үқув-услубий қўлланма / А.С.Турсунов, Ш.А.Ғаниев, С.Б.Хўжақұлов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – 66 б.

11. Турсунов А.С. Муродов А.Ш. ва бошқ. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг ҳукуқбузарликлар профилактикасига доир муносабатларни тартибга солувчи қарорлари түплами. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2020. – 192 б.;